

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР  
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ  
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН  
АКАДЕМИЯСИ  
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон  
қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт,  
филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик  
диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия  
этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

**2023-1/1  
Вестник Хорезмской академии Маъмуна  
Издается с 2006 года**

**Хива-2023**

## МУНДАРИЖА БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

<b>Aytenov I.S., Bozorov T.A., Samadiy S.A., Muhammadova D. A., Zakirova O.R. , Chiniqulov B.X., M.Isoqulov S. S.</b> Orol bo`yi tuproq va qum namunalaridan kultivirlanuvchi baketrial mikroflorasini ajratish va ularning patogen Fusarium tarkumi zamburug'lariga qarshi antagonistik xususiyatlarini tavsivlash	5
<b>Doniyorov B.N.</b> Buxoro vohasi misolida musicha (Streptopelia senegalensis Linnaeus, 1766) ning biologiyasiga doir materiallar	8
<b>Doniyorova Sh.O., Xalquziyeva M.A.</b> Bunium L. tarkumi turlarining xo`jalikdagi ahamiyati va dorivorlik xususiyatlari	17
<b>Khalilova B.A.</b> The impact of environmental pollution on the entomofauna of soils	19
<b>Ne'matova M.I., Xalquziyeva M.A.</b> Eremurus L. tarkumi turlarining morfologik xususiyatlari	22
<b>Жуманиязов Ж.О., Тўхтаев Б.Ё., Хамраев Н.У., Абдурахимов У.К.</b> Хоразм тупроқ – иқлим шароитида қалампир ялпиз инродукцияси	25
<b>Иzzатуллаев З., Бобоназаров F.Ё., Орзиева Ё.М., Хамраева Ф.М., Абдуллаев Ў.Р.</b> Қарши магистрал канали моллюскалари бўйича дастлабки маълумотлар	27
<b>Холмурадова М.М., Макамов А.Х., Шавкиев Ж.Ш., Норбеков Ж.К., Кушаков Ш.О., Хошимов С.Қ., Юлдашева З.З., Хайитова Ш.Н., Холиқулова Н.Ш., Гулбоева Х.И.</b> Fўзада сув танқислиги билан боғлиқ бўлган физиологик хусусиятларни турли сув режими шароитларида ўрганиш	30
<b>Ҳамраева Д.А., Темиров Э.Э.</b> Тошкент Ботаника боғи шароитида Weigela florida f. bristol rubu (Вейгела) нинг гуллаш биологияси	37
<b>Юнусов Р., Ганиева Ф.А., Орифов О.О.</b> Пакана олма дараҳтларини ўсиш, ривожланиши ва ҳосилдорлигининг зарарли организмлардан ҳимоялаш ҳамда ресурстежамкор инновацион технологик омилларни қўллаш	40
<b>ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ</b>	
<b>Акрамов А., Диёров Х.</b> Дориланган уруғлик чигитни такомиллаштирилган аралаштиргич барабанини рационал параметрларини тажрибаларни математик режалаштириш орқали аниқлаш	44
<b>Асатова С.С., Азимов Б.Б., Омонов М.А., Рашидов Ш.Д.</b> Ўғит қўллашда тупроқни оғит металлар билан ифлосланиши ва уни бартараф этиш чоралари	47
<b>Асатова С.С., Соттиева С.Э., Музаффаров Д.М., Юлдашев Ж.М.</b> Кузги буғдойга карбамид –аммиакли селитра (кас) ўғитини қўллаш самараси	51
<b>Иномназаров О.Б., Нуритдинов Н., Турсунов А.</b> Fўзани қўш экинлар билан етиштириш агротехнологияси	54
<b>Маммдиев А.Х., Рўзиева И.Ж., Бўрива Д.Р., Чариеva Н.Н.</b> Бўз-воҳа тупроқларининг агрокимёвий хусусиятларига минерал ўғит ва биопрепарат таъсири	58
<b>Низамов Р., Хакимов Р., Халимова М., Садуллаев С., Абдуллаев Д.</b> Турли озиқлантириш усулларини қовуннинг ўртапишар навлари ҳосилдорлигига таъсири	62
<b>Остонакулов Т.Э., Турсунов Г.С., Шамсиев А.А., Амантурдиев И.Х.</b> Сорта и агротехнологии сладкого картофеля (батата) при возделывания в основной и повторной культуры	66
<b>Отеулиев Ж.Б., Алламуратов М.О., Бауэтдинова И.С., Бийимбетова З.С.</b> Қорақалпоғистон Республикаси суғориладиган тупроқларининг шўрланиш хоссалари	71
<b>Райымбеков Д. Б., Сейтказиев А. С., Мусабеков К.К., Бегматов И. А., Матякубов Б. Ш.</b> Прогнозирование ионно-солевого состава вод методами физико-химической гидродинамики	75
<b>Хасanova Ф.М., Қорабоев И.Т., Атабаева М.С.</b> Суюқ аммиак қўллаш ва ерга турли усулларда ишлов беришни тупроқнинг макрорструктураси ва ғўза ҳосилдорлигига таъсири	80
<b>Худойбердиев Н.Х., Аллашов Б.Д.</b> Беда коллекцияси намуналарининг биринчи ўримдаги кўк масса маҳсулдорлиги	84



Ўсимликнинг ғунчаласи ва гуллаши апрель-май ойларига тўғри келди.

Гунчаласи 4-14 кун, гуллаши 25-30 кун давом этди. Ўсимлика уруғ хосил қилиш кузатилмади.

Ўсимлик новдаларининг ёғочланиши бўйича 20 балл, совуққа чидамлилиги бўйича 10 балл, иссиқга чидамлилиги бўйича 7 балл, касаллик ва зааркунандаларга чидамлилиги бўйича 5 балл, ўсимлик шаклининг сақланиши бўйича 10 балл, новдаланиш қобилияти бўйича 5 балл, новданинг ўсиш қобилияти бўйича 5 балл, генератив ривожланиш бўйича 15 балл, ўзидан қўпайиши бўйича 7 балл, умумий 84 баллни ташкил этди, яъни интродукция муфаваққияти истиқболли (76-90) деб топилди.

Ўсимлика касаллик ва зааркунандалар билан зааррланиш кузатилмади. Ўрганилган ўсимликнинг биоэкологик хусусиятлари ўсиш ва ривожланиши, морфологик кўрсаткичлари, интродукция шароитига тўлиқ мослаша олганлиги, бу ўсимлики республикамизнинг шаҳарларида етишириш имконияти мавжудлигини кўрсатади.

#### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. <https://www.botanichka.ru/article/weigela/>
2. Dilovar A. Khamraeva, Nargiza K. Rakimova\*, Eldor E. Temirov. Vegetative Reproduction through Green Cuttings of the Introduced Form *Weigela florida* f. "Bristol ruby" (Caprifoliaceae) in the Conditions of the Tashkent Botanical Garden (Uzbekistan). American Journal of Plant Sciences Jul. 12, 2021 994-1001p
3. Ж.Х. Хўжаев "Ўсимликлар физиологияси" 192-бет Тошкент меҳнат 2004
4. Ҳамраева Д.А Тошкент Ботаника боғига интродукция қилинган манзарали буталар фенологияси. Хоразм Мъымун академияси Ахборотномаси 2022-5/1 112-116 бет
5. Брошар Д. "Всё о деревьях и кустарниках". Москва 2016 202-203стр

**УЎТ 634.11.**

#### **ПАКАНА ОЛМА ДАРАХТЛАРИНИ ЎСИШ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ХОСИЛДОРЛИГИНИНГ ЗАРАРЛИ ОРГАНИЗМЛАРДАН ҲИМОЯЛАШ ҲАМДА РЕСУРСТЕЖАМКОР ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИК ОМИЛЛАРНИ ҚЎЛЛАШ**

**P.Юнусов, доц., Бухоро давлат университети, Бухоро**

**Ф.А.Ганиева, ўқитувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро**

**О.О.Орифов, талаба, Бухоро давлат университети, Бухоро**

**Аннотация.** Мақолада Бухоро вилояти Бухоро тумани МФЙ «Боги Калон» МЧЖ “СиёвушиАгро” боғдорчилик фермер хўжалиги тупроқ-иқлим шароитида вегетатив пайвандтагга уланган пакана олманинг Голдспур нави ва унинг кўчат қалинлигининг ўсиш, ривожланиши ва пакана дарахтларнинг ҳосилдорлигининг кўпайишига зарарли организимларни таъсири ҳамда ресурстежамкор инновацион технологик омилларни қўллаш ўрганилган.

**Калит сўзлар:** интенсив мевачилик, пакана олма дараҳтлари, нав-пайвандтаг комбинациялари, ўсиш, ривожланиши, ҳосил элементлари, ёруғлик, зарарли организмлар, томчилатиб сугории усуллари, самарадорлик.

**Аннотация.** В настоящем научном статье изучено влияние сортово-подвойных комбинаций и плотность посадки карликовых деревьев яблони на рост, развитие и плодоношение в почвенно-климатических условиях Бухарского тумана ООО «СиёвушАгро» садоводческого фермерского хозяйства.

**Ключевые слова:** интенсивное плодоводство, карликовые деревья яблони, сортово-подвойные комбинации, рост, развитие и образование плодовых элементов, освещенность, защита от болезней и вредителей, капельное орошение, рентабельность.

**Abstract.** In this scientific article, the influence of variety-rootstock combinations and planting density in dwarf apple trees on the growth and development and fruiting in the soil and climatic conditions of the Bukhara fog of SiyovushAgro LLC, a horticultural farm, has been studied.

**Keywords:** intensive fruit growing, dwarf apple trees, variety-rootstock combinations, growth, development and formation of fruit elements, illumination, protection against diseases and pests, drip irrigation, profitability.

**Кириш.** Ҳозир республикамиздаги мавжуд интенсив пакана мевали боғларда истиқболли, муттасил мўл ва юқори сифатли ҳосил берадиган олманинг турли хил нав-пайвандтаглар комбинациялари ҳамда кўчат қалинлигини ўрганиш, ишлаб чиқариш шаротида кенг жорий қилиш муҳим ва долзарб масала ҳисобланади. Бухоро вилоятида ҳам интенсив уруғли мевали дараҳтларни, шу жумладан олма дараҳтларини пакана вегетатив пайвандтаг М-9 га уланган Голдспур нави жадаллик билан етиштириб келинмоқда. Ўзбекистон республикаси Президентининг 2015 йил 21 сентябрдаги №ПҚ-2410 – сонли “Мева сабзавотчиликни ривожлантириш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тӯғрисида” ги қарорига биноан мева-сабзавот маҳсулотларининг ялпи ҳосилини 2020 йилда 2-3 мартаға ошириш кўзда тутилган.

Ушбу илмий мақолани аҳамиятлилиги шундаки, олма дараҳтларининг вегетатив пайвандтаглари уланган интенсив пакана олма боғларининг ҳосилдорлиги ва сифатини кескин яхшилашда, рақобатбардош сифатли олма мевалари етиштиришда ресурстежамкор инновацион технологиялари асосида мевали боғларни барпо қилиш ва парваришлаш, зарарли организмлардан ҳимоя қилиш энг асосий масалалардан ҳисобланади[3,4,5,6,7].

**Тадқиқот услуби ва шароити.** Мазкур иш 2020-2022 йилларда, МЧЖ “СиёвушАгро” боғдорчилик фермер хўжалиги тупроқ-иқлим шароитида ўтказилди. Бухоро вилоятининг иқлими кескин континентал бўлиб, йил давомида ўртача ҳарорат  $26\text{-}30^{\circ}\text{C}$  бўлади, қиши совук, ўртача ҳавонинг нисбий намлиги 40-60%ни ташкил қиласиди[1,2].

**Тадқиқот обьекти** – бу пакана олма дараҳтини ўрта ва секин ўсуви М-9 вегетатив пайвандтагга уланган бўлиб, олма боғига  $4,0\times1,0\text{м}$ ;  $4,0\times1,2\text{м}$ ,  $4,0\times1,4\text{м}$ ;  $4,0\times1,6\text{м}$ ;  $4,0\times1,8\text{м}$ ;  $4,0\times2,0\text{м}$  тартибда дараҳтлар жойлаштирилган. Мазкур пайвандтаг Англиядан келтирилган ўрта ва секин ўсуви пайвандтаг сифатида пакана олма боғларида фойдаланиб келинмоқда.

Тажриба боғида пакана олма дараҳтларини шоҳ-шаббаларига ярим сийраклаштирилган усулда шакл берилган. Тажриба олма боғида пакана олма дараҳтларининг ўсиш, ривожланиши ва ҳосил бериш даврида ресурстежамкор инновацион технологик омиллардан қўллаб томчилатиб сугориш усулида сугориш ва дараҳтларнинг зарарли организмлардан ҳимоялаш ишлари олиб борилди. Кун оралаб олма дараҳтлари резинали шланглар орқали суғорилди. Натижадатажриба олма боғида бир гектарга сув сарфи 2-3 мартаға тежалди. Паст бўйли ўрта ва секин ўсуви пайвандтагларга уланган Голдспур пакана олма навида ассимиляция ўсиш ва ривожланиш жараёнида ҳосил куртакларни шаклланиш ва ҳосилдорликни оширишда унумли фойдаланилди. Пакана олма дараҳтларни қатор оралари бегона ўтлардан тозаланиб, азотли ўғитлардан 250кг/га, фосфорли ўғитлар – 180-200кг/га ва калийли ўғитлар эса 45-60кг/га соғ ҳолда ерга киритилган.

**Тажриба натижалари.** Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ўрта ва секин ўсувчи пайвандтагларга уланган пакана олма дараҳтлари кучли ўсувчи пайвандтагли дараҳтлардан айрим биологик хусусиятлар билан фарқланади. Олма боғида ўтказилган тадқиқотлар шундан далолат берадики, паст бўйли пайвандтагларга ўстирилган пакана олма дараҳтларида кўпгина углеводлар миқдори мева элементларни ҳосил шаклланиши учун ва кам миқдори эса дараҳт ва унинг илдизларнинг ўсиши учун сарфланади.

2020-2022 йиллар давомида пакана олма дараҳтларни ўсиш, ривожланиши ва ҳосил элементларини кўпайиш жараёнлари тажриба боғида нормал ҳолатда бўлмоқда. Мазкур боғдорчили фермер хўжалигида пакана олма дараҳтларини комплекс заарли организмлардан ҳимоя қилиш ишлари МЧЖ “СиёвушАгро” боғдорчилик фермер хўжалигида фаолият кўрсатаётган тажрибали агроном ва ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича мутахассисларининг қатъий назорати ва бевосита иштирокларида ўтказмоқда. Мевали боғни атрофидаги манзарали дараҳтлардан сосна, можжевельник ва тую дараҳтлари ўтказилган ва талаб даражасида парвариш қилинмоқда.

Тажриба боғида ўрта ва секин ўсувчи пайвандтагларга уланган пакана олма Голдспур навида қуидаги ўтказилиши зарур бўлган комплекс озиқланиш ва илмий асосланган ҳимоя чоралари олиб борилмоқда:

- 2021-2022 йиллар 20 мартда пакана олма дараҳтлари баргидан Алфасатил + 1кг, Маэстро – 500г ва Бор минерал элементини 1л миқдорини 1тонна сувда эритиб пуркалган;
- 2021-2022 йиллар 01апрел-Сульфат аммоний ўғитини 20кг/га томчилатиб суғориши орқали олма дараҳтларига берилган;
- 2021-2022 йиллар 15 апрелда ўсимлик баргига Алфасатил 2кг/га, Рух 9%ли -1л, Манганеза 1л, Делтаметрил 1литр миқдорини 1тонна сув билан эритилиб пуркалган;
- 2021-2022 йиллар 01 май баргидан Маэстро 50гр, Алфасатил 1кг, Мултамек 1кг миқдорини 1тонна сув билан эритилиб пуркалган;
- 2021-2022 йиллар 01 июн ойида ўсимлик баргидан Кальций 2л, Сиперган 2л, Аммиак селитраси 1л пуркаш орқали ўсимликка берилган.

Юқорида кўрсатилган касаллик ва заарли организмлардан ҳимоялаш ўз вақтида талаб этилган пестицид, фунгицид ва ўғитлардан фойдаланилди.

Тажриба натижалари шундан далолат берадики, пакана Голдспур олма навида 2020 йилда ёритилганлик шоҳ-шабба жойлашган пастки қисми ярусида 66%, ички қисмида – 56%, юқори қисмида 72% ни ташкил қилди. 2022 йилда пакана олма навининг ўсиш натижасида ёруғлик фоизи дараҳтлар бўйича 3-5%га камайгани мушоҳада қилинади. Бу ҳолат олма дараҳтларини нормал ўсишига деярли таъсир қилмайди.

**Хуноса.** Пакана олма дараҳтларига тўғри шакл бериш, мақбул нав-пайвандтаг комбинацияси ҳамда кўчат қалинлигини танлаб олиш, комплекс касаллик ва зааркунандалардан самарали ҳимоя қилиш воситаларини кўллаш, қуёш нурларини дараҳт шоҳ-шаббасида барча қисмларига тарқалиши натижасида ҳаво алмашинуви юқори сифатда ўтади, фитометрик кўрсаткичлар яхшиланади ва пировард натижада пакана олма навини ҳосилдорлиги 2022 йилда 44-110 ц/га ни ташкил қилди.

Шунингдек, шуни таъкидлаш лозимки, пакана олма дараҳтларида пайвандтаг, кўчат қалинлиги, озиқлантириш, касаллик ва зааркунандалардан тўғри, илмий асосланган ҳолда ҳимоялаш усувлари танлаш, тежамкор томчилатиб суғориши усулини кўллаш, навнинг биологик хусусиятларини ҳисобга олиш, юқори агротехнологик омилларни кўллаш кабилар катта аҳамият касб этади.

#### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Yunusov, R., Ganieva, F. A., Artikova, M. I., & Atayeva, Z. A. (2022). The Dependence Of The Growth, Development And Productivity Of Apple Trees On The Factors Of Care On Low-Saline Soils Of The Bukhara Region. // *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(02), 773-781.
2. Ganieva, Feruza. "The Number, Weight and Structure of Shortened Branches Formed During Pruning in Intensive Apple Orchards. // World Journal of Agriculture and UrbanizationVolume: 01| January 2022https://wjau.academicjournal.io/index.php/wjau
3. Yunusov, Rustam, et al. "Formation and yield of fruit trees in intensive apple orchards. // " (2022).

4. Yunusov, Rustam, and Feruza Amrilloevna Ganieva. "Intensiv olma bog'larida daraxtlarning o'sishi, rivojlanishi va hosildorligining biologik xususiyatlari, ko 'chat qalinligi va nav-payvandtag kombinatsiyalariga bog'liqligi." // *International conferences on learning and teaching*. Vol. 1. No. 15. 2022.

5. Ganieva, Feruza. "Nav-payvandtag kombinatsiyasi va ko'chat qalinligining intensiv olma daraxtlarining o'sish, rivojlanishi va hosildorligiga ta'siri." // *Центр научных публикаций (buxdu. uz)* 6.6 (2021).

6. Amrilloevna, Ganieva Feruza, and Yunusov Rustam. "Studying the different formations of apple trees in intensive orchards." // *European Journal of Agricultural and Rural Education* 2.4 (2021): 55-58.

7. Amrilloyevna, Ganiyeva Feruza, and Yunusov Rustam. "The growth, development and yield of apple trees in intensive fruit orchards are hardwood cutting combinations and their dependence on the thickness of seedlings." // *NVEO-natural volatiles & essential oils Journal/ NVEO* (2021): 9591-9595.